

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
Ҳ У К М

2023 йил февраль ойининг 07 куни, жиноят ишлари бўйича Косонсой туман суди очиқ суд мажлиси ўз биносида бўлиб, раислик қилувчи туман судининг раиси А.Нарзулаев, судья ёрдамчиси Ш.Абдуллаевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси туман прокурори ёрдамчиси Б.Абдуллаев, фуқаровий даъвогар [REDACTED], судланувчи [REDACTED] иштирокида, [REDACTED] га оид 1-1603-2201/196-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

[REDACTED] туғилган, Ўзбекистон фуқароси, миллати ўзбек, маълумоти ўрта-маҳсус, Косонсой туманидаги 45-сонли имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасасида бош ҳисобчи, оилали, уч нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, [REDACTED]

яшайди, жиноят иши бўйича 2022 йил 22 октябрь куни муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисмининг “г” банди билан айбланган.

Суд, суд мажлисида судланувчи, фуқаровий даъвогарнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи [REDACTED] Косонсой туманидаги 45-сонли имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб интернати бош ҳисобчиси, яъни мансабдор шахс бўлгани ҳолда, 2018 йилнинг январь ойидан 2022 йилнинг июнь ойига қадар бўлган даврда мактаб интернатининг 8 нафар ходимларига 76-ҳолатда жами 74.283.545 сўмлик иш ҳақи унга тенглаштирилган тўловларни белгиланганидан ортиқча ҳисоблаб, мажбурий ушланмалардан ташқари 64.026.806 сўм ортиқча тўловни амалга ошириб ҳамда 2022 йил феврал-апрель ойларида 11 нафар ходимларга жами 2.302.548 сўм иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни ортиқча ҳисоблаб, мажбурий ушланмалардан ташқари 2.003.215 сўм ортиқча тўлов қилиб, шунингдек, Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 21.2.2005 йилдаги 275-сонли қарорининг 4-банди, 5-хатбошида

“Ўқитувчилар ёзги йиллик меҳнат таътилидан қайтгандан кейин уларга янги ўқув йили бошлангунга қадар дафтарларни ва ёзма ишларни текширганлик ҳамда информатика кабинети мудирлиги учун қўшимча ҳақ тўловлари амалга оширилмайди” деб белгиланган бўлса-да, 2021 йил июль ва август ойларида 29 нафар педагог ходимларга 31 та ҳолатда 1.028.859 сўм дафтар текширганлик учун қўшимча иш ҳақларини ортиқча ҳисоблаб, мажбурий ушланмалардан ташқари 895.106 сўм тўловни амалга ошириб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2019 йил 22 апрелда 3157-сон билан рўйхатга олинган, Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг “Ўқув машғулоти ўтказганлик учун соатбай ҳақ тўлаш миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қўшма қарорда соатбай ҳақ тўлаш миқдори таркибига меҳнат таътили ҳақи киритилганлиги кўрсатиб ўтилган бўлса-да, меъеридан ортиқча таътил кунлари учун 2018-2021 йилларда 8 та ҳолатда 5.294.416 сўм меҳнат таътили пуллари ортиқча ҳисоблаб, мажбурий ушланмалардан ташқари 4.503.484 сўм ортиқча тўлаб юборилишига йўл қўйиб, ўзига ишониб топширилган ўзганинг жами 71.428.615 сўм бюджет маблағларини мансаб мавқеини суиистеъмол қилгани ҳолда растрата қилиш йўли билан талон-тарож қилган.

Судда, судланувчи [REDACTED] айбига иқдор ва пушаймонлигини билдириб, ҳақиқатдан ҳам ўзининг шошма-шошарлиги ва лавозим мажбуриятларини бажаришда раҳбарий қонунчилик нормалари, тарификация амалларига риоя қилмасдан, 2018 йил февраль ойидан 2022 йил июнь ойига қадар тўловларни нотўғри ҳисоб-китоб қилганлиги, иш ҳақларни тўғри ҳисобламаслик, шунингдек ўқитувчиларнинг дарс соатлари камайтирилган бўлса-да, ушбу ҳолатни текширмасдан мактаб-интернатда ишловчи ходимларга меҳнат таътили пуллари ҳисоблашда ходимларнинг ўртача иш ҳақларини нотўғри ҳисоб-китоб қилганлиги ва ортиқча таътил кунларини таътил пуллари иш ҳақи дастурига икки мартаба киргизиб юборганлиги натижасида 76 та ҳолатда иш ҳақи унга тенглаштирилган тўловларни белгиланганидан ортиқча ҳисоблаб 64.026.806 сўм ва 2.003.215 сўм, 29 нафар педагог ходимларга 31 та ҳолатда 1.028.859 сўм, дафтар текширганлик учун қўшимча иш ҳақларини ортиқча ҳисоблаб, мажбурий ушланмалардан ташқари 895.106 сўм, соатбай ҳақ тўлаш миқдори таркибига меъеридан ортиқча таътил кунлари учун 2018-2021 йилларда 8 та ҳолатда 5.294.416 сўм меҳнат таътил пуллари ортиқча ҳисоблаб, мажбурий ушланмалардан ташқари 4.503.484 сўм, жами 71.428.615 сўм бюджет маблағлари асосиз равишда сарф харажатга чиқариб юборилганлиги, барча ортиқча тўловлар тўланиб, давлатга етказилган моддий зарарлар тергов даврида тўлиқ қопланганлигини, оилали, уч нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини, оилада ягона боқувчи эканлигини инобатга олиб, қонуний

енгиллик беришни сўради.

Судланувчи [REDACTED] айби ўзининг тўлиқ иқдорлик билдириб берган кўрсатувларидан ташқари, судда аниқланган ва текширилган қуйидаги, яъни:

- судда, фуқаровий даъвогар [REDACTED] туман молия бўлими бош ҳисобчиси лавозимида ишлаб келаётганлигини, унга тақдим этилган жиноят иши ҳужжатларидан аён бўлишича, [REDACTED] Косонсой туманидаги 45-сонли имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб интернати бош ҳисобчиси лавозимида ишлаб келиб, 2018 йилнинг январь ойидан 2022 йилнинг июнь ойига қадар бўлган даврда мактаб интернатининг ўқитувчи ва бошқа ходимларига нисбатан иш ҳақи, дарс соатлари ва таътил пулларини нотўғри ҳисоб-китоб қилиб юборилганлиги натижасида жами 71.428.615 сўм бюджет маблағларини сарфга чиқариб юборганлиги, тафтиш ҳужжатлари билан танишиб чиққанида барча моддий зарарлар ундирилганлиги, шу муносабат билан молия бўлимининг А.Кадировга нисбатан моддий ва бошқа даъвоси йўқлиги ҳақида берган кўрсатуви билан;

- судда, гувоҳ [REDACTED] Наманган вилоят Давлат молиявий назорат бошқармасида бош назорат тафтишчиси лавозимида фаолият юритиб келаётганлигини, тергов органи топшириғи билан Косонсой туманидаги 45-сонли имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб интернатида бюджетдан ажратилган пул маблағлари мақсадли сарфланиши юзасидан текширув ўтказганида табель бўйича ишланган кунларнинг умумий миқдори ҳисоб-китоб қилинганда ходимларга лавозим маошларини нисбатан ортиқча ҳисобланиши, иш ҳақи табелларида иш кунлари ва қўшимча юкламалар расмийлаштирилмаган ҳолда “УзАСБО” дастурий мажмуасига ортиқча дарс соатларини киритиш ҳамда қайта ҳисоб-китоб (перерасчёт) тарзида асоссиз ҳолда қўшимча ҳақлар ҳисобланганлиги, меҳнат таътили пулларини ҳисоблашда ходимларнинг ўртача иш ҳақларини нотўғри ҳисоб-китоб қилиниб, ортиқча таътил кунларини белгиланиши натижасида 2018-2021 йилларда жами 71.597.964 сўм миқдорда молиявий хато камчиликлар аниқланганлиги, ушбу моддий зарарлар тўлиқ қопланганлиги ҳақида берган кўрсатуви билан;

- шунингдек, жиноят ишидаги молия назорат тафтиш хулосаси (1-ж. и.в. 5-8), нарса ва ҳужжатларни кўздан кечириш баённомаси (3-ж. и.в. 97-99), банк тўлов квитанциялари (3-ж. и.в. 132-142) ва бошқа ҳужжатлар мажмуи билан ўз тасдиғини топган.

Дастлабки тергов органи томонидан судланувчи [REDACTED] зиммасига юклатилган бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ходимларни иш ҳақларини тўғри ҳисоблаш лавозим мажбуриятларини бажаришда мансаб мавқеини суиистеъмол қилгани ҳолда унга ишониб топширилган ўзганинг 71.428.615 сўм миқдорда бўлган бюджет

маблағини растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиб юборганликдан иборат бўлган хатти-ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2-қисмининг “г” банди билан тўғри квалификация қилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги 11-сонли “Иқтисодиёт соҳасидаги жиноий ишлар бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида”ги Қарори 3-бандида “Амалдаги жиноят қонунларига биноан, ўзганинг мулкни талон-торож қилиш мулкка тажовуз қилишнинг энг хавфлиси ҳисобланади. Мансаб вазифалари ёхуд шартномавий муносабатларга кўра, ўзганинг мулкни тасарруф қилиш, бошқариш, етказиб бериш ёки сақлаш бўйича қонуний ваколатларни амалга оширувчи шахснинг мазкур мулкни қонунга хилоф равишда текинга ўзининг мулкига ёки бошқа шахснинг мулкига айлантириши айбдорга ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкни ўзлаштириш ёки растрата қилиш деб (ЖКнинг 167-моддаси) тавсифланиши лозим” деб тушунтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарорида далилларнинг мақбуллигига қўйиладиган шартлар ҳамда далилларни номақбул деб топиш асослари юзасидан тушунтиришлар берилган.

Суд, ишдаги судланувчини айблаш учун асос сифатида олинган далилларни тўплаш ва процессуал ҳаракатларни ўтказишга оид қоидалар ҳамда тартиблар юқорида қайд этилган Пленум қарори тушунтиришларига риоя қилинган ҳолда амалга оширилган бўлиб, далиллар мақбуллигига тааллуқли шартларнинг бирон-бир талаби бузилмаган, уларни номақбул деб топиш учун асослар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг: 1-бандида судлар жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилиниши лозимлиги, 3-бандида Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд, мазкур Пленум қарори талабларига риоя қилган ҳолда судланувчи [REDACTED] нисбатан жазо тайинлашда қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, етказилган зарарнинг тўлиқ қопланганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб,

ЖКнинг 56-моддасининг 3-қисми талабларидан келиб чиқиб, унинг қилмишида жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб ҳисоблаб, унинг шахсини ва содир этган жиноий қилмишининг ижтимоий хавфлилик хусусиятини, қарамоғида уч нафар фарзандлари борлигини инобатга олиб, айбланган модда санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, содир этилган жиноятнинг хусусияти касбий ихтисослиги билан бевосита боғлиқ бўлганлигини инобатга олиб, ЖК 45-моддасини қўллаган ҳолда мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган вазифаларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш қўшимча жазосини тайинлашни, унга нисбатан танланган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилишни лозим деб топади.

Суд, иш бўйича етказилган зарарлар масаласини муҳокама қилиб, Косонсой туман молия бўлимининг судланувчи [REDACTED] томонидан етказилган 71.428.615 сўм зарарлар тўлиқ қопланганлиги ҳақидаги маълумотномасини инобатга олишни, ашёвий далил деб эътироф этилган жиноят иши бўйича текшириш далолатномалари ва илова ҳужжатлари, нарса ва ашёларни кўздан кечириш баённомасини иш ҳужжатлари билан бирга сақлашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 454-457, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

ҲУКМ ҚИЛАДИ:

Судланувчи [REDACTED] Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 167-моддаси 2-қисмининг “г” банди назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбдор деб топилсин.

Судланувчи [REDACTED] Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 167-моддаси 2-қисмининг “г” банди билан ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, 1 (бир) йил муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, иш ҳақини йигирма фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Жазолар Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 61-моддасига асосан алоҳида-алоҳида ижро этирилсин.

Судланувчи [REDACTED] нисбатан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси иш жойида ўтатирилсин ва жазони ўташ муддати, уни Косонсой туман ИИБ жазони ижро этиш инспекциясида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи [REDACTED] танланган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин.

Косонсой туман молия бўлимининг судланувчи [REDACTED] томонидан етказилган 71.428.615 сўм зарарлар тўлиқ қопланганлиги

хақидаги маълумотномаси инобатга олинсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилган жиноят иши бўйича текшириш далолатномалари ва илова хужжатлари, нарса ва ашёларни кўздан кечириш баённомаси иш хужжатлари билан бирга сақлансин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан йигирма сутка ичида, судланувчи ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида шу суд орқали апелляция тартибида Наманган вилоят судига шикоят ёки протест билдиришлари мумкин.

Раислик қилувчи

(имзо)

А. Нарзулаев

“Аслига тўғри”

Жиноят ишлари бўйича

Косонсой туман судининг раиси

А. Нарзулаев